

ЯЪҚУБИ ЧАРХИЙ ТАЪЛИМОТИДА ИЛМИ ИРФОНИ МАСАЛАСИ

Зойиров Эркин Халилович

Бухоро муҳандислик технология институти

Ижтимоий фанлар кафедраси доценти, фалсафа фанлари номзоди

Тасаввуф таълимотида билиш, олам ҳодисалари, жумладан инсон борлиғи, билишнинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни, муаммолари ҳам етарлича тадқиқ этилмаган.

Тасаввуфда билим манбаи сифатида соғлом фикрга ва у билан бир қаторда кашф ва туйғуга ҳам ўрин берилади. Сўфийлар назарида ақл ва нақл маълум ўлчовларда билиш манбаи бўлиш билан бирга, олий ва қудсий билимлар кашфу илҳом орқали ҳосил қилинади. Бу йўл орқали эришилган билимга сўфийлар илм эмас, "маърифат", "ирфон", "илми мукошафа", "илми ладуний" каби номлар берганлар.

Ирфон илми ақл билан англаб бўлмайдиган (иррационал), қалб, учинчи кўз, ботиний ҳол орқали ҳосил бўладиган илм¹ бўлиб, "маърифат", "ҳикмат", "ладун", "маъни илми", "сир-асрор", "фаросат", "мукошафа", "ғайб илми" деб аталган. Ирфон илми мағзини Аллоҳнинг зоти, феъли, исмлари ва сифатларини "ишроқ" (кўнгил ёруғлиги) орқали билиб олишга қаратилган илм ташкил этади. Эронлик олим Эҳсон Табарий ирфон истилоҳини илоҳий илм сифатида "инсоннинг ўз нафсини поклаши, риёзат чекиши, ибодат қилиши, зикр қилиши, хилватда ўтириши ва жазбага берилиши билан сайру сулук босқичидан ўтиши, Аллоҳ билан илоҳий робита ўрнатиши, қалби илҳом ва "ишроқ" манбаига айлангандан кейин қатъий ҳақиқатга эришишидан иборат"лигини қайд этган².

Хожагон-нақшбандия тариқатининг йирик пири муршиди Яъкуби Чархий билиш масаласида ўзига хос, шу билан бирга умумтасаввуфий йўлдан, тамойиллардан бориб, ўз фикр – мулоҳазаларига эга. Мутасаввиф рисолаларида ақида, илм, уламо, авлиё ва фикр илми ҳамда бошқа мутасаввифларнинг мулоҳазалари келтирилган.

Яъкуби Чархийнинг илмий-ирфоний асарлари ичида "Рисолайи Унсия" (Дўстона суҳбат рисоласи) алоҳида ажралиб туради. Мутасаввиф рисолада зикр масаласи уни нақшбандия таълимотида тутган ўрнини ирфоний таҳлил этган.

Нақшбандия таълимотининг ўзига хос томони хуфия зикрдир, яъни бу тариқат аҳлида самоъ (эшитиш, тинглаш), жаҳрия зикр йўқ. Яъкуби Чархий "Унсия" рисоласида хуфия зикр аҳамиятига махсус боб ажратган. Рисолада Баҳоуддин Нақшбанднинг қалб поклиги масаласига эътибор бериб, тоза қалб булмагунча бу дунё ва у дунё балоларидан қутилиб бўлмаслиги ҳақидаги ибратли ўғитлари келтирилган:

Зи ғайрат хонаи дилро зи ғайрат кардаам холи,

Ки ғайратро намешояд, дар ин хилват саро будан.

¹ Доктор Али Асғар Жалий. Ирфон асослари ва орифлар (Форс тилида). – Техрон.: 1376/1956. – Б. 11.

² Жўзжоний А. Тасаввуф ва инсон. – Т.: Адолат, 2001. – Б. 12.

Таржимаси:

Ғайратла қилдим бу дилни ўзингдан ўзгадин холи,

Ўзингдан ўзга бирла холи қолмоқлик сазовормас.

Ислон динида ибодат ва зикр орқали хотиржамлик, қалб таскини, акмеология (етуклик), зиёлилик, покланиш ва руҳий мувозанатга бир неча ҳисса ортик эришади. Вужуд ва қалбни покламай, зикр маросимида ўтириш орқали Худонинг назарига тушиб бўлмайди. Рисолада Баҳоуддин Нақшбанднинг вуқуфи ададийга мулозамат кўрсатиш, яъни кўпликни кўрганда асл моҳиятни англаш, касратда ваҳдатни англаш амалиётида давомли бўлсалар дил-қалб тезда зокирга айланади деганларини ва бу маънида қуйидаги мисраларни айтганларини Яъкуби Чархий асарида ёзган:

Дил чу моҳи ва зикр чун об аст,

Зинда дилҳо ба зикри Ваҳҳоб аст.

Таржимаси:

Дил балиқ бўлса, зикр бу сув бўлур,

Дил тирик бўлса, Худо зикрин қилур.

Ботиний илм инсон қалбида яширинган илоҳий илм бўлиб, бу илмга доимий зикр ҳолатида илоҳий эшитиш ва илоҳий кўриш орқали эришилади. Ботиний илм инсон руҳининг интилиши, ҳаётий жўшқинлиги натижасида юзага чиқади ва инсон ақлининг ривожини, асрлар давомида юзага келган илмий билимдан тубдан фарқ қилса ҳам, уни инкор этмайди.

Зикр тасаввуфда дилни, фикр ва туйғуни Аллоҳга йўналтириб, У билан бевосита ришта боғлаш, исмларини зикр қилиш орқали Унинг чексиз қудрати, буюк гўзаллигини идрок этишни билдиради. Ҳатто, зикрга орифнинг таоми деб ҳам таъкидланади. Аллоҳнинг номлари зикр қилинаверса, охири Аллоҳ зокир, яъни суфийнинг ўзини зикр этади. Солик зикр асносида шуни ҳис қилади, мушоҳада этади.

Яъкуби Чархий Баҳоуддин Нақшбанднинг ҳадисда келтирилган илм ва унинг турлари ҳақидаги қуйидаги сўзларини таъкидлайди: “Айтдилар: “Ҳадисда “Илм икки хилдир. Биринчиси, қалб илми бўлиб, у авлиё ва анбиёларнинг фойдали илмидир.” Бундай илм инсон қалбида яширинган илоҳий илм бўлиб, бу илмга доимий зикр ҳолатида илоҳий эшитиш ва илоҳий кўриш орқали эришилади. Қалб илми инсон руҳининг интилиши, ҳаётий жўшқинлиги натижасида юзага чиқади ва инсон ақлининг ривожини, асрлар давомида юзага келган илмий билимдан тубдан фарқ қилса ҳам, уни инкор этмайди.

Тасаввуфий билиш жараёнида рационал ва иррационал билим тана ва руҳ каби ажралмас, улар бир-бирини тўлдиради. Шарқ фалсафасида тилга олинган “бирламчи билим” инсон қалбида яширинган “куллий” билим бўлиб, айнан инсон руҳиятидаги ижодкорлик кучи “куллий” билим негизидадир. Илмий кашфиётлар, янгилик яратиш

“куллий” билимнинг “жузъий” билимга турткиси натижасидир. Бу қалбнинг ботиний жилваланиши бўлиб, билим нурдир.”³

“Иккинчиси тил илми бўлиб, у Одам болалари устида Аллоҳнинг ҳужжатидаир”. Умидимиз борки, сенга илми ботиндан бир насиба етсин. “Ва яна айтдиларки, “Ҳадисда “Аҳли сидқ билан ўтирсангизлар, садоқатли бўлиб ўтирингларки, улар қалбларнинг жосусидирлар. Қалбларингизга кирадилар ва ҳимматларингизга назар қиладилар”.

Яъқуби Чархий бу илм турига намозни мисол келтириб, рисолада уни ўқиш тартибини беради: “Бу намозни нафйи хавотир билан, яъни фикрини тозалаб, зоҳиру ботини билан таважжуҳ қилган ҳолда ўқисин. Пайғамбаримиз айтганлар: ما من مسلم يتوضأ فيحسن وضوءه ثم يقوم فيصلى ركعتين مقبلا عليها بوجهه و قلبه إلا وجبت له الجنة “Мусулмон киши яхшилаб таҳорат қилса, сўнг ўрнидан туриб, истаб, икки ракъат намоз ўқиса, унга жаннат вожиб бўлади”, яъни мусулмон киши таҳорат олганда таҳоратнинг барча фарзларини, суннатларини ва одобларини бажо келтирса, сўнг туриб икки ракъат намозни тўла ҳузур билан ўқиса, у жаннатга муносибдир.

Мутасаввиф “бизнинг хоҷамиз бу намозни ўқиганда барча аркон ва азкорга ўзини машғул қилган ҳолда, таважжуҳ билан ўқиш лозим дейдилар. Булар мубтадийлар – тариқатга кирувчилар учундир.”

Шайх Шихобуддин Сухравардий (Аллоҳ уни раҳматига олсин) буни ҳамма вақт ўқисин дейдилар. Муҳйиддин Арабий эса (Аллоҳ уни ҳам раҳматига олсин) намоздан қайтарилган макруҳ вақтларда ўқимасин дейдилар.

Яъқуби Чархий илм аҳлининг зикрга бўлган мунособати ҳақида қуйидаги фикрни келтиради: نوم العالم عبادة “Олимнинг уйқуси ҳам ибодатдир”, дейилгани уйқуга ишоратдир. Яъни, уйқуга кетгунича зикрга машғул бўлсин, уйқудан бедор бўлса, яна уйқуга кетгунича зикрга машғул бўлсин.

Зикр ирфоний билишда жарёнида муҳим хусусиятга эга бўлиб, қуйидаги тамойилга асосланади: намоз танани, кундалик вирд(вазифа)ларни бошқариш учун, зикр қалбни, фикр (тафаккур) онгни тозалаш учун, амал “фано” даражасига етиш учундир. Инсон бу тамойилни амалиётда қўллаш орқали камолотга эришади.

Мутасаввиф солиқлар йўлини таҳлил қилиб, устоз суҳбатининг ўрнига алоҳида эътибор бериб, Баҳоуддин Нақшбанднинг қуйидаги фикрини келтиради: “Толиб амал қилиши зарур бўлган шартлардан бири шуки, у Ҳақ таъоло дўстларидан бўлган бир дўст билан суҳбатда бўлиб, ўз ҳолидан воқиф бўлиши зарур..., бу азизнинг суҳбатидан мулозаматда бўлишни ўзи учун фарзи айн деб ҳисобласин”¹⁴³.

Мутасаввиф фикрича, ҳақиқий ибодат диний илмларни эгаллаш орқали ҳосил бўлади. Бунинг учун эса илм ворислари ҳисобланган олимларнинг мулозаматида ва хизматида бўлишдан ўзга чора йўқ. Бироқ илмни бойлик тўплаш ва обрў орттириш воситаси қилиб

³ Роузентал Ф. Торжество знания в средневековом Исламе / Перевод с английского. – М.: Наука, 1978. – С. 158-192.

олган олимлардан қочмоқ лозим. Борди-ю, ҳақиқий комил уламо топилмагандагина юқорида айтилган олимлардан ғоятда эҳтиёт бўлиб фойдаланиш мумкин.

